

**Ўта оғир жинояти учун шартли ҳукм қилиниб синов даврида ҳамда ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмасдан яна ўта оғир жиноят содир этганликларига ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилган.**

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 6 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2007 йил 17 октябрдаги ҳукмига асосан Д. Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан 10 йил, Жиноят кодексининг 60-моддасига асосан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига, Х. Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра Д. 2007 йил 9 февраль куни онаси М.нинг яшаш уйида К.га қоғоз бўлақларига махсус қадоқланган 2 пакет “героин” гиёҳвандлик воситасининг ҳар бирини 1000 сўмдан 2000 сўмга қонунга хилоф равишда сотган.

2007 йил 24 февраль куни вилоят ИИБ ходимлари томонидан Д. яшаб келаётган турар жойда тинтув ўтказилиб, қоғоз бўлақларга қадоқланган 1,08 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинган.

2007 йил 24 февраль куни милиция ходимлари томонидан Х. яшаб келаётган турар жойда тинтув ўтказилганда 4 та қоғоз бўлақларга алоҳида қилиб қадоқланган 1,78 грамм келгусида сотиш мақсадида сақлаб келаётган «героин» гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд Д. ва Х. нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган ва уларга қонун доирасида жазо тайинлаган.

Бироқ, суд Д. ва Х. га нисбатан ишни кўришда Жиноят кодексининг 34-моддаси талабларига риоя қилмаган.

Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми «а» бандида илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилган тақдирда, шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Жиноят ишидаги ҳужжатлардан кўринишича, Д. мукаддам ўта оғир жинояти учун:

1). Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2005 йил 12 августдаги ҳукми билан, Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисмига асосан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига, 2). Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2006 йил 20 сентябрдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмига асосан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли судланган.

Х. жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2003 йил 25 августдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 171-моддаси 2-қисми «а» банди, 273-моддаси 5-қисми, 59-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг 2006 йил 31 мартдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан тайинланган 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб 7 йилга келтирилган, 2005 йил 2 декабрдаги амнистия актига асосан 2005 йил 28 декабрда жазодан озод қилинган.

Д. нинг ўта оғир жинояти учун шартли ҳукм қилиниб синов даврида, Х. нинг ўта оғир жинояти учун судланган ҳолати тугалланмасдан яна ўта оғир жиноят содир этганликларига суд томонидан ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликлар жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриш вақтида ҳам бартараф этилмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2008 йил 25 сентябрда Д. ва Х. га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, Д. ва Х. ни ўта хавфли рецидивист деб топди.

***Назорат иши ЖСХ 199-08***